ТАСДИҚЛАЙМАН”
Вилоят ҳокими
_____ Х.Бозаров
2020 йил “27” январь

«Наманган - 2020» вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ДАСТУРИ

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни барқарор юқори суръатларини таъминлаш.						
1.	2020 йил давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 25,3 трлн.сўмга етказиш орқали ўсиш суръатини 106,5 фоизга таъминлаш.	1. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 106,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажмини 112,0 фоизга, истеъмол молларини 112,0 фоизга, қишлоқ хўжалигини 103,9 фоизга, пудрат ишларини 118,5 фоизга, чакана савдо айланмасини 107,7 фоизга ва хизмат кўрсатиш ҳажмини 108,6 фоизга етказиш. 2. Белгиланган ҳажмларни амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш ва ҳар чорак якунига қадар йўл қўйилган камчиликлар бўйича ахборот киритиб бориш. 3. Ҳудудлар кесимида прогноз параметрларини бажарилишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш.	-	-	2020 йил давомида, ҳар чорак якуни билан	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Статистика бошқармаси (Мелихўжаев), шаҳар ва туманлар ҳокимлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
2.	Вилоят бўйича 10 084,8 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ўсиш суръатини 112,0 фоизга етказиш.	1. Вилоятдаги йирик корхоналар томонидан 2397,8 млрд.сўм, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан 6254,8 млрд.сўм, якка тартибдаги ва уй хўжалигидаги мехнат фаолияти томонидан 1432,2 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш. 2. Жами 479 та лойиҳаларни амалга оширилиши бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ҳамда бажарилиши юзасидан мониторинг ўрнатиш. 3. Ишга туширилиши белгиланган лойиҳалардан 174 тасига 686,7 млрд.сўм миқдорида ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратиш масаласини хал этиш. 4. Белгиланган ҳажмларни амалга ошириш юзасидан тизимли иш ташкил этиш, мониторинг юритиш ва ҳар ой якуни билан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориш.	-	-	2020 йил давомида, ҳар ой якуни билан	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Камалов, Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Статистика бошқармаси (Мелихўжаев), шаҳар ва туманлар ҳокимлари
3.	Жорий йилда 15,0 трлн.сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ўсиш суръатини 103,9 фоизга етказиш.	1. Вилоятда 148,8 минг тонна гўшт, 701,7 минг тонна сут, 629,6 млн.дона тухум етиштирилиб, бу турдаги маҳсулотларни 2019 йилга нисбатан 10,0 фоиздан 20,0 фоизгача кўпайтириш.	-	-	2020 йил давомида, ҳар чорак якуни билан	Вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Рапиков, Статистика бошқармаси (Мелихўжаев),

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		2. Вилоятда барча хўжаликлар ҳисобига 850,9 минг тонна сабзавот, 82,1 минг тонна полиз, 279,2 минг тонна мева, 116,2 минг тонна узум чиқариш. 3. Белгиланган ҳажмларни амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш.				Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ҳакимов), туманлар ҳокимликлар
4.	Вилоят бўйича 4173,9 млрд.сўмлик пудрат ишларини амалга ошириш ва ўсиш суръатини 118,5 фоизга етказиш. Жумладан, марказлашган ва номарказлашган маблағлар ҳисобидан янги, реконструкция ва капитал таъмирлаш ҳисобидан қурилиши режалаштирилган умумтаълим мактаблари, болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш, турар жой, ишлаб чиқариш, хизмат ва сервис, коммунал соҳа объектлари ҳамда бошқа объектларда қурилиш таъмирлаш ишларини бажарилишини таъминлаш.	1. Пудрат ишлари ҳажмларини шаҳар, туманлар кесимида чораклик прогнозларини ишлаб чиқиб, бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш; 2. Кичик корхона ва микрофирмалар ва хусусий тадбиркорлар томонидан бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларини тўла статистик ҳисоботларда акс эттириш. 3. Белгиланган ҳажмларни амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш ва ҳар чорак якуни билан йўл қўйилган камчиликлар бартараф этиш бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориш.	-	-	2020 йил давомида, ҳар ой якуни билан	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б.Нурматов, О.Иномов, Статистика бошқармаси (Мелихўжаев), Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
5.	Чакана савдо айланмаси ҳажмини вилоят бўйича 8875,7 млрд.сўмга ҳамда ўсиш суръатини 107,7 фоизга етказиш.	1. Хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига асосан вилоятда янги савдо шохобчаларини ташкил этиш;	-	-	Йил давомида, ҳар ой якуни билан	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов,

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		2. Савдо корхоналари ва тадбиркорларни кредит маблағлари билан таъминлаш орқали савдо шохобчаларида маҳсулотлар турини кўпайтириш; 3. Улгуржи ва чакана савдо корхоналари омборларидаги қолдиқларини статистик маълумотлар асосида таҳлил этиб, камайтириш чораларини белгилаш.				Иқтисодиёт ва саноат бошкармаси (Инамов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
6.	2020 йилда хизматлар ва сервис соҳасида вилоятда жами 475 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, шундан 390 тасини қишлоқ жойларида ташкил этиш.	1. Ҳудудларда 2020 йилда ташкил этиладиган савдо ва маиший хизмат шаҳобчалари учун ер майдонларини ажратиш ва ҳоким қарорларини қабул қилишни тўлиқ якунлаш; 2. Объектларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш бўйича тармоқ графигини ишлаб чиқиш; 3. Ажратилган ер майдонларида қурилиш ишларини бошлаш учун лойиҳа смета-ҳужжатларини тайёрлаш; 4. Ташкил этиладиган шохобчаларни ўз муддатида қурилиш ишларини якунлаш ва аҳолига фойдаланишга топшириш бўйича далолатномаларни расмийлаштириш ва статистика ҳисоботларида акс эттирилишини таъминлаш. 5. Дастурга асосан ташкил этилиши белгиланган шохобчаларга кредит маблағларини белгиланган муддатларда берилишини таъминлаш.	-	-	Ҳар ой якуни билан	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Статистика бошқармаси (Мелихўжаев), Қурилиш бошқармаси (Султанов), Марказий банк бошқармаси (Вохидов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
7.	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган вилоятда 2020-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини бажарилиши таъминлаш асосида хизмат соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 50-53,4 фоизга етказилишини таъминлаш.	1. 2020-2022 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириб, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш; 2. 2020-2022 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун жойларда 2020 йилда 475 та, 2021 йилда 625 та, 2022 йилда 800 та жами 1900 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш; 3. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун соҳага вилоятдаги тижорат банклари томонидан ва тадбиркорларни ўз маблағлари ҳисобидан ҳар йили ўртача 20-30 млрд.сўм маблағлар йўналтириш.	-	-	2020-2022 йилларда ва ҳар ой якуни билан	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, Иктисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Статистика бошқармаси (Мелихўжаев), Марказий банк бошқармаси (Вохидов), Бандлик бошқармаси (Маматхонов)
8.	Вилоят бюджети даромадлари режасини 2 500,0 млрд.сўмга етказиш.	1. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш, солиқлар йиғилиши даражасини ошириш, мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали тегишли бюджет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш. 2. Фойдаланилмаётган объектларга таъсирчан солиқ механизмини қўллаш; 3. Янги рўйхатдан ўтган юридик корхоналарни солиқ солиш базасига қамраб олиш;	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, Солиқ бошқармаси (Тиллаволдиев), Молия бошқармаси (Юсупов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		4. Камерал назорат тадбирларини амалга ошириш натижасида бюджетга қўшимча маблағ жалб қилиш.				
9.	Вилоят бюджет харажатлари режаси 2 994,2 млрд.сўмга сарфланишини таъминлаш.	1. Умумий таълим харажатларига 289,1 млрд.сўм; 2. Мактабгача таълим харажатларига 144,7 млрд.сўм; 3. Соғлиқни саклаш соҳасига 1064,5 млрд.сўм; 4. Маданият ва спорт соҳасига 75,4 млрд.сўм; 5. Кўп болалик оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсация тўловлари учун 307,5 млрд.сўм; 6. Иқтисодиёт харажатларига 624,0 млрд.сўм; 7. Умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари учун 206,3 млрд.сўм маблағлар сарфлаш.	2994200	Маҳаллий бюджет	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, Молия бошқармаси (Юсупов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
10.	Вилоятда инфляция даражасини камайтириш юзасидан барча зарурий чораларни кўриш.	1. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда янги лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш. 2. Шаҳар ва туман деҳкон бозорларида ҳамда аҳоли зич истиқомат қиладиган маҳаллаларда кенг ассортиментдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи ярмарка савдоларини ташкил этиш.	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Камалов, Т.Рапиқов, Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Б.Матмусаев, Монополия бошқармаси (Абдуллаев), Бозорлар

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
						уюшмаси (Тожибаев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
II. Инвестициялар ўзлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш.						
11.	2020 йилда 480,5 млн.доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағларини ўзлаштириш чораларини кўриш ***(1-илова)***.	1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш. 2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштириш бўйича корхоналар бўйича мониторинг ўрнатиш ва маълумотлар тайёрлаш. 3. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни статистик ҳисоботларда акс эттирилишини таъминлаш.	480,5 млн.доллар	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига	2020 йил 20 февралга кадар 2020 йил давомида Ҳар чоракда	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Баймирзаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари
12.	2019 йилда хорижий инвестиция иштирокидаги ишга туширилган 20 лойиҳаларни тўлиқ қувватларда ишлашини таъминлаш ҳамда 2020 йилда ишга тушириладиган 34 та лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш.	1. 2019 йилда ишга туширилган 20 та лойиҳалар ҳамда 2020 йилда ишга тушириладиган 34 та лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш. 2. Ҳар бир лойиҳага масъуллар бириктириш. 3. Лойиҳаларни доимий мониторинг қилиб бориш. 4. 2020 йилда ишга тушириладиган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш.	Лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича	-	2020 йил 20 февралга кадар 2020 йил 20 февралга кадар 2020 йил давомида 2020 йил 25 февралга кадар	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Баймирзаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
13.	Янги истиқболли инвестицион лойиҳаларни шакллантириш бўйича хорижий давлатларга ташрифларни амалга ошириш	1. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда уларнинг Инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарларининг хорижий давлатларга чиқиш графикларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш. 2. Хорижий давлатларга ташрифларни амалга ошириш ҳамда истиқболли янги лойиҳалар бўйича келишувлар имзолаш. 3. Хорижий инвесторлар билан музокаралар ўтказиш ҳамда янги лойиҳа таклифлари тайёрлаш. 4. Келишилган янги лойиҳалар бўйича тармоқ жадвали ва йўл хариталарини ишлаб чиқиш ҳамда доимий мониторинг олиб бориш. 5. Ўзбекистон Республиксининг хорижий давлатлраидаги элчихоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	-	-	2020 йил 15 февралга қадар Тасдиқланган графикга асосан Белгиланган муддатларда Келишувлар имзолангандан сўнг Доимий	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Баймирзаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари
14.	2020 йилда жами назоратга олинган 1188 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш. Шундан 273 та қишлоқ хўжалиги соҳасида, саноат соҳасида 417 та ва хизмат кўрсатиш соҳасида 498 та лойиҳаларни фойдаланишга топшириш ***(2,3,4-илова)***.	1. Ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш. 2. Тармоқ жадвалларига асосан лойиҳалар ижроси бўйича мониторинг ўрнатиш. 3. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни статистик ҳисоботларда акс эттирилишини таъминлаш.	4,2 трлн.сўм	Ўз маблағи 3,3 млрд.сўм, Банк кредити 0,9 млрд.сўм	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Баймирзаев), Марказий банк (Воҳидов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
15.	Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харита"га кирган лойиҳаларни амалга ошириш.	1. Тасдиқланган "Йўл харита"га кирган лойиҳаларни доимий мониторинг қилиб бориш. 2. Истиқболсиз лойиҳаларни янгисига алмаштириш бўйича таклиф таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Янги истиқболли лойиҳаларни шакллантириш.	-	-	Доимий 2020 йил 1 февралга қадар 2020 йил 1 мартга қадар	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Баймирзаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари
16.	"Наманган" ЭИЗ ҳудудида амалга оширилаётган ва истиқболли лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида амалий ёрдам бериш.	1. "Наманган" ЭИЗ ҳудудида амалга оширилаётган "Art Soft Enginering" ва "Tai Chang Special Steel" МЧЖ қўшма корхоналарини ўз вақтида ишга туширилиб фаолият юритишларига кўмаклашиш; 2. "Наманган" ЭИЗ ҳудудида амалга оширилиши режалаштирилган 7 та истиқболли лойиҳаларга вилоят эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Саноат вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК билан ҳамкорликда ўз вақтида ер майдонлари ажратиб бериш, ЭИЗ иштирокчиси гувоҳномаларини бериш ҳамда қурилиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашиш.	45,0 млн.доллар 78,2 млн.доллар	Банк кредити 11,45 млн. долл. ўз маблағлари 13,2 млн. долл. хорижий инвестиция 20,35 млн. долл. Банк кредити 21,45 млн. долл. ўз маблағлари 26,44 млн. долл. хорижий инвестиция 30,35 млн. долл.	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Наманган эркин иқтисодий зонаси дирекцияси (Ғафуров), Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Лойиҳа ташаббускорлари
17.	"Наманган" ЭИЗ мухундислик коммуникация тармоқларини амалга	1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Лойиҳа смета ҳужжатлари	-	Тармоқ жадвалида белгиланган	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
	оширишни жадаллаштириш.	2. 3,8 км электр тармоқлари тортиш ва 7 та ТП ўрнатиш. 3. 9,8 км газ тармоклари тортиш 4. 28,3 км автомобиль йўлларини куриш 5. 60 км ичимлик сув тармоғи ва 2,5 км канализация тармоғи тортиш ҳамда 7 та сув тозалаш иншотларини қуриш. 6. Объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш чораларини кўриш.	бўйича		муддатларда	(Нурматов, Инамов), "Наманган" ЭИЗ дирекцияси (Ғофуров), Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (Риззаев), "Ҳудудгаз Наманган" МЧЖ (Атаханов),Уй-жой коммунал бошқармаси (Рахимов), Сув оқава ДУК (Давранов), Наманган автойул (Хамдамов)
18.	Косонсой фарм ЭИЗ ҳудудида 4 та лойиҳани ишга тушириш ва янги 3 та лойиҳа қурилиши ишларини бошлаш лойиҳаларни ўз вактида амалга ошириш.	1. "Фирдавсбек фарм савдо сервис" МЧЖ, Журабек ота хусусий корхонаси, Кореан маару МЧЖ, Саломатлик диёр келажаги МЧЖ лойиҳаларни ўз муддатида ишга туширилишини таъминлаш. 2. Янги лойиҳаларга ишлаб чиқариш бинолари қуриш учун зарур бўлган ер майдонлари ва банк кредитларини ўз муддатида ажратилишини таъминлаш. 3. Амалга ошириладиган ишлар юзасидан ҳар ойда икки мартадан муҳокама ўтказиб бориш.	3,0 млн.доллар (шундан 1,0 млн.доллар хорижий инвестиция)	Банк кредитлари, ташаббускорлар ўз маблағлари, хорижий инвестиция	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Марказий банк вилоят бошқармаси (Вохидов), Косонсой фарм ЭИЗ дирекцияси (Муборaков), Лойиҳа ташаббускорлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
19.	Ҳар бир вилоятдаги тижорат банклари 2 тадан янги йирик лойиҳаларни аниқлаш ва ишга туширишда кўмаклашиш.	1. Ҳар бир тижорат банк раҳбари томонидан йирик саноат лойиҳалари ташаббускорларини аниқлаш. 2. Лойиҳанинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш. 3. Аниқланган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушириш.	-	Банк кредити ва ташаббускорлар маблағлари	2020 йил 1-чорак 2020 йил 2-чорак	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Марказий банк бошқармаси (Вохидов), Косонсой фарм ЭИЗ дирекцияси (Мубораков)
20.	2020 йилда вилоятдаги мавжуд 15 та кичик саноат зоналаридаги 167 та лойиҳаларни амалга ошириш ***(5-илова)***.	1. Саноат зоналарида ишга туширилиши режалаштирилган 81 та лойиҳаларни ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш бўйича кунлик мониторинги ўрнатиш. 2. Вилоятда ташкил этилган 15 та кичик саноат зоналарига табиий газ ҳамда электр тармоқларини тортиш ишларини амалга оширилишини таъминлаш. 3. Вилоятда янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналари бўйича таклифлар тайёрлаш.	Лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича	Банк кредитлари, ташаббускорлар ўз маблағлари, хорижий инвестиция	2020 йил давомида	Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Кичик саноат зоналари ягона дирекцияси (Азимов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
III. Вилоятнинг экспорт ва туризм салоҳиятини ошириш.						
21.	2020 йил учун белгиланган жами 452,0 млн.доллар (шундан саноат маҳсулотлари 247,4 млн.доллар, мева-сабзавот маҳсулотлари 204,6 млн.доллар) экспорт прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажариш.	1. Ҳар бир худудга белгиланган худудий экспорт прогноз кўрсаткичлари кунлик мониторингини юритиш. 2. Экспортчи корхоналарга доимий кўмак бериш, вилоятда мавжуд 5100 та саноат корхоналарини камида 10 фоизи экспортга жалб қилиш.	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов,

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		3. Мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва экспортга жалб қилиш.				Божхона бошқармаси (Файзуллаев), Статистика бошқармаси (Мелихўжаев), шаҳар ва туманлар ҳокимлари
22.	Вилоятда амалга оширилаётган хизматлар экспорт ҳажмини ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ошириш чораларини кўриш *(2019 йилда 12,4 млн.долларни ташкил этган).*	1. Тиббиёт ва соғломлаштириш марказларига туристларни жалб қилиш. 2. Тижорат банклари томонидан экспорт-импорт шартномаларини амалга оширишни кўпайтириш. 3. Хорижий туристлар оқимини ошириш ҳисобига меҳмонхона хизмати ҳажмини ошириш.	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Инамов, Марказий банк бошқармаси (Вохидов), Туризм бошқармаси (Абдумаликов)
23.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли қарори доирасида умумий қуввати 56,1 минг тонна бўлган 13 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш ***(6-илова)***.	1. Лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш. 2. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун ер майдони ажратиш ва молиялаштириш масалаларини ижобий ҳал этиш. 3. Ҳар бир лойиҳани ҳар ой давомида ўрганиш, муаммоларини ҳал этиш ва бажарилиши юзасидан доимий ахборотлар тақдим этиб бориш.	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов), Марказий банк бошқармаси (Вохидов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
24.	Тўрақўрғон туманида қуввати 15 минг тонна бўлган "Мухаммадали билдинг" МЧЖ томонидан умумий қиймати 45,7 млрд.сўм ҳамда қуввати 20 минг тонна бўлган "Голд Фреш Фруитс" МЧЖ томонидан умумий қиймати 120,0 млрд.сўмга тенг бўлган замонавий агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Агрологистика марказларини ташкил этиш учун ер майдони ажратиш. 2. Марказларни коммуникация тармоқларига улаш. 3. Молиялаштириш масалаларини ҳал этиш.	165700	Ташаббускорлар ўз маблағлари	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Камалов, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов), Марказий банк бошқармаси (Вохидов), Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги (Муродхўжаев)
25.	Вилоятнинг экотуризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларни ривожлантириш.	1. Косонсой, Поп, Чуст, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида янги экотуризм маршрутлари рўйхатини шакллантириш. 2. Экотуризм маршрутларини вилоятнинг тур пакетларига киритилишини таъминлаш.	-	-	Бир ой муддатда 2020 йил май ойи	Туризм бошқармаси (Абдумаликов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
26.	Вилоятда анъанавий ўтказиладиган "Гул байрами"ни республика миқиёсида ташкил этиш.	1. Гул байрамини концепциясини шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ишлаб чиқиш. 2. Республиканинг барча вилоятларини таклиф қилиш. 3. Байрам доирасида халқаро журналист, блогер ва йирик тур операторлар иштирокида пресс-тур тадбирини ташкил этиш.	-	-	2020 йил февраль ойи 2020 йил апрель ойи 2020 йил май ойи	Вилоят ҳокимининг ўринбосари П.Маткаримов, Маданият бошқармаси (Нурматова), Туризм бошқармаси (Абдумаликов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
27.	Чорток, Янгиқўрғон, Чуст, Косонсой ва Поп туманларида 10 та оилавий меҳмон уйларини ташкил қилиш.	1. Лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш ҳамда рўйхатини шакллантириш. 2. Белгиланган ҳудудларда камида иккитадан оилавий меҳмон уйларини очилишини таъминлаш. 3. Оилавий меҳмон уйлари реестридан ўтишини таъминлаш.	-	-	2020 йил 2-чорак	Туризм бошқармаси (Абдумаликов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
28.	Вилоятда туризмни ривожлантиришда тур фирмалар фаолиятини кенгайтириш.	1. Лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш ҳамда рўйхатини шакллантириш. 2. Туризм фаолиятини амалга оширишда лицензия олинишида кўмаклашиш.	-	-	Бир ой муддатда 2020 йил давомида	Туризм бошқармаси (Абдумаликов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
29.	Вилоятда янги 4 та меҳмонхона ташкил этиш. *(Наманган шаҳрида "Муҳамадали файзли боғбон" МЧЖ, Косонсой туманида "Мадинаи Муборак" ХК, Поп туманида "Apart Hotel cosmos" МЧЖ, "Тожибоев Валижон" ИП).*	1. Тармоқ жадвали асосида қурилиш ишларини амалга ошириш. 2. Лойиҳаларга тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратиш. 3. Лойиҳаларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш.	-	-	Бир ой муддатда 2020 йил 1-чорак 2020 йил давомида	Туризм бошқармаси (Абдумаликов), Марказий банк (Вохидов), Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси (Баймирзаев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
30.	Туризм салоҳиятини янада ошириш максадида Поп, Янгиқўрғон, Чорток ва Косонсой туманларидаги туризм объектларида "бепул Wi-Fi зоналар"ни ташкил қилиш.	1. "Wi-Fi зоналар" рўйхатини шакллантириш. 2. Объектларга янги интернет тармоқларини тортиш, тегишли жиҳозлар билан таъминлаш 3. Вилоят бошқарма ва ташкилотларда Wi-Fi ҳудудларини ташкил этиш.	Алоҳида хисоб-китоб асосида	Маҳаллий бюджет ва "Узтелеком" АК маблағлари ҳисобидан	2020 йил 1-ярим йилликда	Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (Ахунбабаев), Молия бошқармаси (Юсупов),

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
						Туризм бошқармаси (Абдумаликов)
IV. Вилоятда бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш.						
31.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонига асосан аниқланган вилоятдаги 40 та бўш турган давлат мулки объектларини балансда сақловчилар томонидан келгусида тадбиркорлик субъектларига сотиш ***(7-илова)***.	1. Шаҳар ва туман ҳокимликларидан балансидаги бўш турган давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига сотиш юзасидан инвестиция ва яратиладиган янги иш ўринларини белгиланган ҳолдаги таклифларини олиш. 2. Ҳудудий танлов комиссияси томонидан шаҳар ва туман ҳокимликларининг таклифларини кўриб чиқиш ва сотиш юзасидан қарор қабул қилиш. 3. Ҳудудий танлов комиссияси қарорига асосан вилоят ҳокимининг қарорини қабул қилиш. 4. Вилоят ҳокимнинг қарорида сотилиши белгиланган бўш турган давлат мулки объектларини хатлов комиссиясини тузиш ва хатловдан ўтказиш. 5. Хатлов натижасига кўра ҳудудий бошқарманинг мазкур объектни савдога киритиш юзасидан буйруғини қабул қилиш ва "E-IJRO-AUKSION" савдо майдончасига киритиш.	-	-	2020 йил 1-чорак 2020 йил 2-чорак 2020 йил 2-3-чорак 2020 йил 3-чорак 2020 йил 3-чорак	Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Икрамов), Кўчмас мулк, давлат кадастри хизмати (Мутавалиев), Солиқ бошқармаси (Тиллаволдиев), Молия бош бошқармаси (Юсупов), Савдо-саноат палатаси (Джамалов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
32.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883-сон Фармонига асосан	1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги ВМ-279-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган Низомга мувофиқ	-	-	2020 йил 1-чорак	Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
	"Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамиятини ташкил этиш ва унинг устав капиталини мазкур Фармоннинг 1-иловасида кўрсатилган Вазирликнинг давлат унитар корхоналари устав капиталидаги давлат активлари ва улушларини топшириш ҳисобига шакллантириш, шунингдек, ушбу корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта тузиш.	"Давлат ташкилотини ўзгартириш учун тайёрлаш Комиссияси" таркибини шакллантириш. 2. Комиссия томонидан вилоят "Сувоқова" ДУКни моддий ва номоддий мол-мулкларини ва молиявий мажбуриятларини хатловдан ўтказиш. 3. Вилоят "Сувоқова" ДУКни масъулияти чекланган жамият сифатида қайта тузиш ва давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтказиш. 4. Янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги давлат улушини "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамиятининг устав фондига топшириш.			2020 йил 1-чорак 2020 йил 1-чорак 2020 йил 1-чорак	ҳудудий бошқармаси (Икрамов), Кўчмас мулк, давлат кадастри хизмати (Мутавалиев), Солиқ бошқармаси (Тиллаволдиев), Молия бош бошқармаси (Юсупов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Раҳимов), АТИБ "Ипотекабанк" Наманган филиали (Турдиев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
33.	Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 8 та давлат иштирокидаги корхоналар молиявий соғломлаштириш ***(8-илова)***.	1. Корхоналарни зарар кўриб ишлаш сабабларини аниқлаш. 2. Аниқланган сабабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон қарорига асосан зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни	-	-	Бир ой муддатда 2020 йил давомида	Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Икрамов)

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		соғломлаштириш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиш ва масъулларни бириктириш..				
34.	Сотилган давлат объектларида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш ***(9-илова).***	Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан "ноль" қийматда ҳамда "Е ижро аукцион" орқали сотилган 93 та давлат объектларида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажарилишини жойига чиқиш асосида мониторингини юритиш ва назорат қилиш.	-	-	2020 йил давомида	Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Икрамов)
35.	Суд бошқарувчилари томонидан банкротлик тамоилларини қонунчилик талаблари асосида олиб борилиши таъминлаш.	Иқтисодий судлар томонидан банкротлик таомиллари жорий этилган 478 та хўжалик юритувчи субъектларда банкротлик жараёнларини қонунчилик талаблари асосида олиб борилишини мониторингини юритиш ҳамда суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш.	-	-	2020 йил давомида	Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Икрамов)
V. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш.						
36.	Вилоятга импорт орқали сифатсиз ва яроқсиз маҳсулотлар кириб келишини олдини олиш. 2020 йилда вилоятда маҳсулот импортини амалга ошираётган тадбиркорлар томонидан ўхшаш товарлар импортини оптимал-лаштириш, 2020 йилда импорт	1. Вилоятга кириб келган, лекин божхона постларидан расмийлаштирилмаган импорт товарлар тўғрисидаги маълумотларни доимий таҳлил қилиш бориш. 2. Таҳлилий маълумотларни тегишли ташкилотларга ушбу маҳсулотларни текшириш бўйича киритиш. 3. Ўхшаш товарлар импортини	-	-	Доимий	Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Б.Матмусаев, Божхона бошқармаси (Файзуллаев), Синов ва сертификатлаштириш маркази (Турсунов),

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
	хажмини 2019 йилга нисбатан 20 фоизга қисқартириш чораларини кўриш.	оптималлаштириш мақсадида ҳар бир тадбиркорлар билан индивидуал ишлаш. 4. Тадбиркорлар томонидан ўхшаш товарлар импортин қисқартириш бўйича ҳудудий ҳамда республика тармоқ корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш.				Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Ҳамракулов), Ўсимликлар карантини инспекцияси (Қорабаев)
37.	Импортёр корхоналар билан ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ўрнатиш.	1. Импортёрлар билан манзилли ишни ташкил этган ҳолда уларнинг эҳтиёжи доирасида маҳсулотлар кесимида буюртмалар портфелини шакллантириш. 2. Буюртмалар портфелини шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга буюртмаларни жойлаштириш	-	-	Доимий	Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Б.Матмусаев, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов), Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси (Боймирзаев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
38.	Наманган саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ўтказиш.	1. Наманган саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида ҳар бир шаҳар ва туманлар узларининг алоҳида стендлари билан иштирок этишлари ва 10 тадан кам бўлмаган саноат корхоналари ҳам алоҳида стенд билан иштирок этишини таъминлашлари зарур. 2. Наманган саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида иштирок этиш истагини билдирган ҳудудий корхоналар ва қўшни вилоятдан ташриф буюрадиган саноат	-	-	2020 йил март ойи	Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Б.Матмусаев, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов), Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси (Джамалов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		корхоналарнинг рўйхатини шакллантириш.				
39.	Вилоятга доимий импорт қилинаётган маҳсулотлар рўйхатини шакллантириш ва оптималлаштириш чорасини кўриш.	Вилоятга доимий импорт қилинаётган маҳсулотлар рўйхатини шакллантириш, янгилаб бориш ҳамда ушбу маҳсулотларни республикамиз ҳудудида ишлаб чиқарувчиларни излаш.	-	-	Ҳар ойнинг 5 санаси	Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Б.Матмусаев, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов), Статистика бошқармаси (Мелихўжаев), Божхона бошқармаси (Файзуллаев)
40.	2020 йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 27 та ҳудудий корхоналарнинг 47 та лойиҳаси бўйича 183,2 млрд.сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш ***(10-илова).***	1. 2020 йилда маҳаллийлаштириш дасутрига киритилган 27 та ҳудудий корхоналарнинг 47 та лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш хажмини бажарилиши юзасидан ойма ой график ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган графикка асосан ҳар ой мониторинг олиб бориш.	-	-	Ҳар ойнинг 5 санаси	Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Б.Матмусаев, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
41.	Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг cooperation.uz Порталини таҳлил қилиб бориш.	1. Порталга қўйилган саноат маҳсулотларини кунлик таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириб бориш таклифларини ишлаб чиқиш. 2. Ҳудудий корхоналар ўртаси кооперация шартномалари тузилиши бўйича доимий мониторинг юритиш.	-	-	Доимий	Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Б.Матмусаев, Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Инамов)

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
VI. Кичик бизнес ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш.						
42.	2020 йилда янги ташкил этиладиган кичик бизнес субъектларининг сонини 2019 йилга нисбатан 2,0 баробарга ошириш ***(11-илова).***	1. Ҳар бир туман (шаҳар)нинг мавжуд имкониятлари ва ихтисослашувини инобатга олган ҳолда, 2020 йилда янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари прогнози ижросини таъминлаш. 2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 850-сон қарори билан юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган айрим фаолият турлари қисқартирилгани ҳисобига фаолиятини тўхтатиб қўйган ЯТТларни инвентаризациядан ўтказиб, уларни микрофирмаларга айлантириш.	-	-	2020 йил 15 февраль 2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Камалов, О.Инамов, Иқтисодиёт бошқармаси (Инамов), Солиқ бошқармаси (Тиллаволдиев), Савдо-саноат палатаси (Джамалов), Тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
43.	Вилоят делегацияларининг чет элда ўтказиладиган инвестицион форумларда, шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро инвестицион алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бизнес форумларда қатнашишини ташкил этиш.	1. Маҳаллий тадбиркорлар учун инвестицион қонунчилик соҳасида ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга, шунингдек, инвестицион фаолият билан боғлиқ бошқа жиҳатларга қаратилган 34 та семинар ва тренинглар ўтказиш. 2. Чет эл давлатларида бўлиб ўтадиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар рўйхатини шакллантириш; 3. Белоруссия давлатининг Витебск шаҳри билан имзоланган меморандумлар доирасида Витебск шаҳрида ўтказиладиган кўргазма, ярмаркалар ҳамда бизнес форумларда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг иштирокини	-	-	2020 йил давомида 2020 йил 20 февраль 2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Камалов, О.Инамов, Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси (Баймирзаев), Савдо-саноат палатаси (Джамалов), шаҳар ва туман ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		таъминлаш. 4. Россия федерациясининг Москва шаҳрида 2020 йил февраль ойида бўлиб ўтадиган бизнес форумда тадбиркорлик субъектларининг иштирокини таъминлаш. 5. Ҳудуддаги мавжуд экспортёр корхоналарни ҳамда потенциал экспортёр корхоналарни аниқлаш; 6. Хорижий давлатларда бўлиб ўтадиган кўргазма, ярмаркаларга маҳаллий тадбиркорлар иштирокида вилоят делегацияларини ташкил этиш.			2020 йил февраль 2020 йил 25 февраль 2020 йил давомида	
44.	2020 йилда Наманган вилоятига ташриф буюрадиган чет-эллик ишбилармонлар ва маҳаллий тадбиркорлар ўртасида ўзаро инвестицион алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган 9 та Бизнес-форумларни ташкил қилиш.	1. Россия федерацияси, Хитой Халқ республикаси, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирлиги, Ҳиндистон, Япония, Эрон, Миср каби давлатлардан келадиган делегациялар иштирокида Бизнес форумлар ташкил этиш. 2. 2020 йилнинг июнь ойида "Doing Bussinese in Namangan" Халқаро бизнес форумини ташкил этиш ва ўтказиш. 3. Чет эллик ишбилармонлар ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари ўртасида экспорт ва импорт шартномаларини имзолаш.	-	-	2020 йил давомида 2020 йил июнь 2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Камалов, О.Инамов Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Савдо-саноат палатаси (Джамалов), Тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
45.	2020 йил давомида вилоятда саноат соҳасида 350 та янги кичик корхоналарни ташкил этиш.	1. Янги фаолият бошлаётган кичик корхоналарнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш. 2. Кичик корхоналарга яратилаётган имтиёз ва преференциялар тушунтириш бўйича	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Камалов, Иқтисодиёт ва саноат

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
		ҳар ойда 2 маротаба давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш. 3. Амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориш.				бошқармаси (Инамов), Савдо-саноат палатаси (Джамалов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
46.	2020 йил давомида вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасида 1500 тадан кўп янги кичик корхоналарни ташкил этиш ***(12-илова).***	1. Янги фаолият бошлаётган кичик корхоналарнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш. 2. Кичик корхоналарга яратилаётган имтиёз ва преференциялар тушунтириш бўйича ҳар ойда 2 маротаба давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш. 3. Амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориш.	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Камалов, Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), Савдо-саноат палатаси (Джамалов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
47.	2020 йил давомида вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида 180 та янги корхоналарни ташкил этиш.	1. Янги фаолият бошлаётган кичик корхоналарнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш. 2. Кичик корхоналарга яратилаётган имтиёз ва преференциялар тушунтириш бўйича ҳар ойда 2 маротаба давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш. 3. Амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориш.	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Рапиқов, Иқтисодиёт ва саноат бошқармаси (Инамов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
48.	Косонсой, Чуст ва Чортоқ туманларида "Ҳунармандлар	1. Чуст ва Чортоқ туманларида "Ҳунармандчилик марказлари"ни	-	Ҳунармандлар ўз маблағи	2020 йил 3-чорак	Вилоят ҳокимининг

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
	марказилари"ни бунёд этиб, туристик ҳудудга айлантириш.	бунёд этиш учун ер майдони ажратиш ва қурилиш ишларини бошлаш. 2. Марказларни бунёд этилиши бўйича ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига ахборот тақдим этиб бориш.		ҳисобидан		биринчи ўринбосари А.Камалов, Савдо-саноат палатаси (Джамалов), "Ҳунарманд" уюшмаси (Валиев), Косонсой, Чуст ва Чортоқ туманлари ҳокимликлари
49.	2020 йилда ҳунармандчилик соҳасида 2800 та янги иш ўринлари (уста ва шогирдлар ҳисобига) яратиш ***(13-илова).***	1. Ҳунармандчилик соҳасида янги аъзолар ҳисобига ва имтиёзли кредитлар бериш ҳисобига 810 та янги иш ўрни яратиш. 2. Ҳунармандчилик соҳасида янги аъзо бўлган ҳунармандларнинг шогирдлари ҳисобига 1990 та янги иш ўрни яратиш. 3. Яратиладиган иш ўринлари бўйича ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориш.	-	-	2020 йил январь-декабрь	Бандлик бошқармаси (Маматхонов), Вилоят Марказий банк (Воҳидов), "Ҳунарманд" уюшмаси (Валиев)
50.	2021 йил август ойида Тўрақўрғон тумани Ахсикент қадимий ёдгорлигида ўтказиладиган Халқаро ҳунармандчилик фестивали "World craft council" Дунё ҳунармандчилик Кенгаши томонидан бериладиган "Бутун жаҳон	1. Тўрақўрғон тумани Ахсикент қадимий ёдгорлигида Халқаро фестивал ўтказиш учун ҳунармандлар учун жой тайёрлаш. 2. Ахсикент қадимий ёдгорлигига олиб борувчи йўлни таъмирлаш, объектни ободонлаштириш. 3. Вилоятлардан ва хорижий давлатлардан 1000 нафар	-	-	2020 йил давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Камалов, П.Маткаримов, Савдо-саноат палатаси (Джамалов), Туризм

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
			Суммаси (млн.сўм)	манбаси		
	Ҳунармандчилик шаҳри" мақомини олишга тайёргарлик кўриш.	ҳунармандларга ва меҳмонлар учун меҳмонхоналарни тайёрлаш ҳамда ҳар томонлама шароит яратиш. 3. Амалга оширилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориш.				бошқармаси (Абдумаликов), "Ҳунарманд" уюшмаси (Валиев)
VII. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш.						
51.	2020 йилда иқтисодий самара бермаётган, эскирган боғ ва токзорларни реконструкция қилиш, янги боғ-токзорларни ва замонавий иссиқхоналари ташкил этиш.	1. Вилоятда 2020 йилда 2790 гектар боғ ва 130 гектар токзорларни реконструкция қилишни ташкил этиш. 2. 2020 йилда янгидан 168 га майдонда замонавий иссиқхоналар, 3290 га интенсив боғ ва 430 гектар токзорларни ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва бажариш чораларини кўриш. 3. Янги ташкил этиладиган боғ ва токзорларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни назоратга олиш.	-	Халқаро молия институтлари маблағлари, банк кредити ва хўжалик ва тадбиркорларни ўз маблағлари ҳисобидан	2020 йил январь-март ойлари 2020 йил баҳор ва куз ойларида 2020 йилда	Вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Рапиков, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ҳакимов), Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси (Жўраев), туманлар ҳокимлари
52.	Вилоятда 2020 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини 70 центнерга ошириш чораларини кўриш.	1. Вилоятда 2020 йил ҳосили учун 74,0 минг гектар майдонга экилган ғалла майдонларида озиқлан-тириш, суспензия сепиш, суғориш, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши курашиш ишларини ташкил этиш. 2. Ғалла майдонларига биостимуляторлар сепишни алоҳида назоратга камида 6-7 марта сепишни ташкил этиш.	-	Ғалла имтиёзли кредит маблағлари	2020 йил давомида	Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Ҳакимов), Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси (Жўраев), "Норин-Сирдарё" ИТХБ (Шарипов) "Агрокимёҳимоя"

№	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Талаб этиладиган маблағ		Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
